## *«Ўзсаноатэкспорт» Акциядорлик Жамияти*
## *Аудиторлик ташкилотини танлаш учун танлов эълон қилади*

«Ўзсаноатэкспорт» АЖ аудиторлик ташкилотларни шартнома тузиш хуқуқи учун ўтказиладиган танловда иштироқ этишда таклиф қилади:

1.Жамиятнинг 2024 йилги молиявий хисоботининг миллий молиявий аудити стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш.

2.Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ 2024 йил якунлари бўйича Жамиятнинг молиявий хисоботларини аудиторлик текширувини ўтқазиш.

3.KPI, ИКЭ хисобғкитоблари ва уларнинг бажарилиш фоизлари Жамиятнинг 2024 йилда мўлжалланган Бизнес режасида белгиланган мезонларни текшириш.

4.Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларини бажарилишини бахолаш.

**Танлов таклифида қуйидагилар бўлиши шарт:**

-аудиторлик текширувини ўтқазиш вақти ва нарҳи кўрсатилган ҳолда;

- аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун Ўузбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган лицензиянинг нусхаси;

- Ташкилот ҳақида маълумотлар (умумий маълумотлар, ташкилот тарихи, алоқа маълумотлари);

-суғурта полиси нусхаси;

-аудиторларни малакасига оид сертификатлар нусхаси ва бошқа халқаро сертификатлар нусхалари;

-йирик ташкилотлар ва корхоналар билан ишлаш тажрибаси (камида 3 йил) ва аудиторлик хизматларини кўрсатиш учун етарли бўлган ходимлар сони.

**Аудиторлик такилотига мажбурий талаблар:**

– аудиторлик ташкилоти барча хўжалик юрутувчи субъектларда текширувлар ўтқазиш ҳуқуқига эга бўлиши керак (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган лицензия);

–миллий серфикатлаштириш тизимига мувофиқ сўнгги 3 йил давомида юқори рейтинг кўрсаткиларига эга бўлиш зарур;

– аудиторлик ташкилоти таркибида халқаро сертификатлар (ACCA, DipIFR, CPA, CAP, CIPA) ҳамда IFRS ва ISA (МСФО ва МСА) соҳасида бухгалтерия (аудиторлик) малакаларига эга, шунингдек камида 5 йиллик иш стажига эга мутахассислар фаолият кўрсатиши керак;

-ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини билиш.

Танловда иштироқ этиш учун таклиф юбориш муддати **2024 йил 25 январ соат 11.55 гача.**

100170 Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107, РФБ «Тошкент» АЖ биносининг 3 қаватида, 330 хона.

Электрон почта: us46@use.uz; us61@use.uz.

Алоқа учун телефон рақамлари: 71/209-48-48, внутр. 505.
***Техник топшириқлар илова қилинган.***

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

**1. Буюртмачи:**

Танлов буюртмачиси “Ўзсаноатэкспорт” АЖ, манзил Тошкент шахар, Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси 107 уй.

**2. Иш ва хизматларни сотиб олиш учун асос:**

Ўзбекистон Республикасини Қонунлари:

- «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги;
- «Акциядорлирлик жамиятлари ва акциядоларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги;
- «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги;
- «Давлат харидлари тўғрисида»ги.
- «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида» 28.07.2015 й. № 207 - сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

**3. Ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш шартлари:**

3.1. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича мажбурий ташқи аудитдан ўтказиш.

3.2. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) га мувофиқ уйғунлаштириш.

3.3. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК), самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи хисоб-китоблари ва уларнинг бажарилиш фоизлари Жамиятнинг 2024 йилда Бизнес-режасида белгиланган мезонларни текшириш.

3.4. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларини бажарилишини бахолаш.

**4. Танлов иштирокчиси:**

Танлов иштирокчиси тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир.

Танлов иштирокчиси фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

**5. Аудиторлик ташкилотига мажбурий талаблар:**

- аудиторлик ташкилоти барча хўжалик юрутувчи субъектларда текширувлар ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиши керак (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган лицензия);
- аудиторлик хизматларини кўрсатиш соҳасида юқори тажрибага ега бўлиши;
- халқаро аудит тармоғининг аъзоси бўлиши;
- 2024 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотлари рейтингида юқори рейтингда бўлиши;
- ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги Ўузбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини билиш;
- аудиторлик фаолияти учун касбий жавобгарлик суғурта полисига эга бўлиши;
- штатида зарур малака сертификатига эга бўлган аудиторларнинг (юқори малакали мутахассисларнинг) мавжудлиги;
- ўтган календар йили учун хар қандай даражадаги бюджетларга ёки давлат бюджетидан ташқари жамғармаларига хисобланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлари бўлмаслиги;
- тугатилиши ёки ихтиёрий тугатилиш жараёнида бўлмаслиги лозим.

**6. Хизматлар нархи:**

Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботини миллий ва халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувини ўтказиш, самарадорликнинг муҳим

кўрсаткичлари (СМК), самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи хисоб-китоблари ва уларнинг бажарилиш фоизлари Жамиятнинг 2024 йилда Бизнес-режасида белгиланган мезонларни текшириш, Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимининг Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларини бажарилишини бахолаш учун жами **хизматлар нарҳи 50 000 000 (эллик миллион) сўм.**

**7. Шартнома тузиш:**

- ушбу танлов натижалари Жамиятнинг бошқарув органи томонидан кўриб чиқиши ва тасдиқланиши учун тақдим этилади, шундан сўнг аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузилади.
- танлов нитижаларига кўра, танлов ҳужжатлари ва шартларидан келиб чиққан ҳолда шартнома тузилади.
- танлов комиссиясининг қарори билан танлов ғолиби деб эълон қилинган танлов иштирокчиси Давлат харидлари махсус ахборот порталидан ғолиблиги ҳақида хабардор бўлади.
- Агар танлов ғолиби танлов шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортса шартнома тузиш ҳуқуқи захира иштироқчига ўтади.

**8. Ишлар ва хизматлар топшириш ва қабул қилиш тартиби:**

8.1. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолиятининг Бухгалтерия ҳисобини миллий стандартлар бўйича аудиторлик текшириш натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботи

8.2. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) га мувофиқ уйғунлаштириш ҳисоботи

8.3. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК), самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи (СЙК) хисоб-китоблари ва уларнинг бажарилиш фоизлари Жамиятнинг 2024 йилда Бизнес-режасида белгиланган мезонларни текшириш натижалари бўйича хисобот.

8.4. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимининг Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларини бажарилишини бахолаш бўйича ҳисобот.

8.5. Ишларнинг ҳар бир босқичи, кўрсатилагн хизматлар учун иш тугаганидан сўнг, аудиторлик ташкилоти иш натижаларини ва қабул қилиш учун ҳисоб-фактурани тақдим этади.